ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ЎРНИ

Равшан Хидоятов
ЖизПИ “Иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси доценти, и.ф.н.
Зиёвуддин Хидоятов
ЖизПИ “Энергетика ва радиоэлектроника” факультети

Аннотация

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жаҳон мамлакатлари тажрибасида ўзининг юксак натижалари билан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Кичик бизнеснинг ривожланиши иқтисодиётдаги жўшқинлик ва самарали рақобат муҳити учун қулай шарт-шароитларни яратиш, истеъмол секторини кенгайтириш орқали талабни рағбатлантириш, истеъмол бозорини товар ва хизматлар билан тўлдириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бюджет тушумларини кенгайтиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, кўплаб ривожланган давлатлар кичик бизнес фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади.

Калит сўзлар. Барқарорлик, иқтисодий ривожланиш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ўрта бизнес, самарали рақобат, фаол тадбиркорлик, молия-кредит тизими, инвестиция фондлари, тижорат банклари, фаровон ҳаёт.

Аннотация

Малый бизнес и частное предпринимательство занимают прочное место в опыте стран мира благодаря своим высоким результатам. Развитие малого бизнеса служит созданию благоприятных условий для динамичной и продуктивной конкурентной среды в экономике, стимулированию спроса за счет расширения потребительского сектора, пополнению потребительского рынка товарами и услугами, защите окружающей среды, увеличению доходов бюджета. Поэтому многие развитые страны стараются всячески поддерживать деятельность малого бизнеса.

Ключевые слова. Стабильность, экономическое развитие, малый бизнес, частное предпринимательство, средний бизнес, эффективная конкуренция, активное предпринимательство, финансово-кредитная система, инвестиционные фонды, коммерческие банки, благополучная жизнь.

Annotation

Small business and private entrepreneurship have a solid place in the experience of world countries with their high results. The development of small businesses serves to create favorable conditions for a vibrant and productive competitive environment in the economy, stimulate demand by expanding the consumer sector, replenish the consumer market with goods and services, protect the environment, expand budget revenues. Therefore, many developed countries try to support small business activities in every possible way.

Keywords. Stability, economic development, small business, private entrepreneurship, medium-sized business, effective competition, active entrepreneurship, financial and Credit System, Investment Funds, commercial banks, prosperous life.

2024 йилнинг 1 октябридан “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда 14 сентябрь куни Президентнинг “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди.

Маълумки, иқтисодиёт аниқ рақамлар, ҳисоб-китоблар билан бирга, одамлар турмуш тарзида юз бераётган реал ўзгаришлар, натижадорликни хоҳлайди. Давлат манфаатларигагина хизмат қиладиган иқтисодиёт ривожланишдан тўхтайди. Сўнги йилларда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳот ва янгиланишлар аввалида иқтисодиётимиздаги миқдор ва сифат ўзгаришлари қамровини кенгайтириш, унинг бевосита аҳоли турмушига таъсирини оширишга эътибор қаратилаётганининг сабаби ҳам шундан.

Биламиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жаҳон мамлакатлари тажрибасида ўзининг юксак натижа ва муваффақиятлари билан мустаҳкам ўрин эгаллаган бўлиб, аксарият халқларда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 60-70 фоизни ташкил этади. Кичик бизнеснинг ривожланиши иқтисодиётдаги жўшқинлик ва самарали рақобат муҳити учун қулай шарт-шароитларни яратиш, истеъмол секторини кенгайтириш орқали талабни рағбатлантириш, истеъмол бозорини товар ва хизматлар билан тўлдириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бюджет тушумларини кенгайтиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, кўплаб ривожланган давлатлар кичик бизнес фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади.

Мустақиллигимизнинг ўтган йилларига назар солсак, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес йўналиши қўшни давлатларга нисабатан секин ривожлангани, кўрсаткичлар сезилар-сезилмас даражада бўлгани, катта-катта бизнеслар маълум инсонлар қўлида бўлиб, аҳолининг асосий қатлами уларнинг қўл остида ишлаганини кўрамиз. Оддий одамлар учун тадбиркорлик уддалаб бўлмас машаққатдек кўринади. Юқори бож тўловлари, ер олиш, корхона очишдаги қатор тўсиқлар, бировнинг чўнтагига пул қистирмасанг, битмайдиган ишлар, бир амаллаб бизнесни йўлга қўйиб олганда ҳам, ҳар куни эшик қоқадиган солиқчиларга дош бериш осон эмасди. Шунинг учунми, одамлар тадбиркорлик қилишдан кўра, “оч қорним, тинч қулоғим” қабилида иш тутишни афзал билган.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон иборасини фахр билан айтаётганимиз бежиз эмас. Боиси, яқин 4-5 йил олдин ана шу икки жумла замирида бошланган улкан ислоҳотлар одамларнинг ўз имкониятларидан кенг фойдаланиш, исталган соҳада янгиликлар яратишга қўрқмай қадам ташлаш, энг муҳими, мустақил тадбиркор сифатида ўзини синаб кўриш имкониятини беряпти. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “Ҳақиқатан ҳам, биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз”, дея таъкидлаган сўзлари халқимизга янада ишонч, куч берди.

Бу ерда шундай савол туғилиши табиий — айнан Ўзбекистон иқтисодиёти учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти нималарда намоён бўлмоқда? Энг аввало, иқтисодиётнинг етакчи соҳа ва тармоқларида кичик тадбиркорлик улушининг ошиши иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорлик таъминланишининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади.

Маълумки, тадбиркорлик — бу ташаббус ва фаоллик асосида келгусида юз бериши мумкин бўлган турли хатарларни ҳисобга олиб, масъулият ва жавобгарлик билан амалга оширилувчи иқтисодий фаолиятдир. У эркинлик, ижодкорлик ҳамда рақобат муҳити уйғунлигида жуда катта бунёдкорлик кучини ҳосил қилади. Айниқса, фаолият кўлами жиҳатидан нисбатан ихчам бўлган кичик тадбиркорлик иқтисодиётдаги конъюнктуравий ўзгаришларга тезлик билан мослаша олиш, истеъмолчининг дид ва қизиқишларини англаш ва эътиборга олиш, ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, рақобат муҳитини кучайтирган ҳолда иқтисодиётга жўшқинлик бахш этиш каби хусусиятлари билан ўзини намоён қилади.

Юртимизда ушбу йўналишни қўллаб-қувватлаш ва барча зарур шароитларни яратиб бериш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик тадбиркорлик

субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши тобора ортиб боряпти. Аниқ рақамларга тўхталадиган бўлсак, бу борадаги кўрсаткич 1991 йилда атиги 1,5 фоиз, 2000 йилда 31 фоизни ташкил этган эди. 2016 йилда мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 64,9 фоизга етди. Бу рақамлар йил сайин ортса ортяптики, асло, орқага пастлаётгани йўқ. Хусусан, ўз фаолиятини йўлга қўйган тадбиркорлик субъектлари сони 2016 йилдаги 210,6 минг бирликдан 2020 йилда 411,2 минг бирликка етди. Умумий корхона ва ташкилотлар таркибида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 2020 йилда 86,5 фоизга қадар ўсди.

2017 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг йирик саноат объектларига жуда катта ҳажмда хорижий инвестиция ва кредит маблағлари жалб этилиши натижасида улардаги ишлаб чиқариш ҳажми кескин ўса бошлади. Агар йирик корхона ва бирлашмалар мажозий маънода иқтисодиёт организмининг суяк (скелет) қисми деб ҳисобланса, у ҳолда кичик бизнес ушбу қисмга қайишқоқлик, мослашувчанлик бахш этувчи, унинг бир маромдаги ҳаракатини таъминловчи мушак-тўқима ҳисобланади. Бу жараён эса янги корхоналарнинг ташкил топиши орқали таъминланади. Яъни, кичик бизнес корхоналари иқтисодиётдаги талаб жадаллик билан ўсиб бораётган тармоқ ва соҳаларга жавобан янги ишлаб чиқаришни ташкил этади.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2017—2020 йиллар мобайнида мамлакатимизда жами 288 мингдан ортиқ корхоналар ташкил этилди. Шундан 14,8 мингтаси йирик корхоналар, 273,2 мингтаси кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Тадбиркорликни рағбатлантириш, унинг жадал ўсиши учун кадрларнинг қудратли асоси керак. Республикамизнинг меҳнатга яроқли барча аҳолиси шундай асос ҳисобланади. Ушбу мақсадларда тадбиркорлик соҳасида ишловчи кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ташкил этилган.

Молия-кредит тизими – хусусий ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун турли инвестиция фондлари, тижорат банклари тармоғи – қимматбаҳо қоғозларнинг муомала бозорини кенгайтириш, уларни қайта тақсимлаш ва ишлаб чиқаришни инвестициялаш учун йўналтиришга имкон беради, ихтисослашган тижорат банкларининг кенг тармоғи эркин молиявий ресурсларни инвестиция жараёнига жалб қилиш имконини беради, қарз берувчи билан қарз олувчи ўртасида бевосита муносабатларни йўлга қўяди, кредитда воситачилар тизимини ва уни тартибга солиш механизмини юзага келтиради.

Кичик ва хусусий улгуржи – воситачилик таркиблар тармоғи – махсус бозорлар, консигация омборлари, омборхоналар, улгуржи магазинлар ва базалар кенг даражадаги бевосита, узоқ давом этувчи хўжалик алоқалари, ишлаб чиқариш кооперацияси тартибида амалга ошириладиган маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги давлатлараро битимлар кўпдан-кўп ишлаб чиқарувчилардан сотиб олиш ҳисобига йиғилиб, тўлаш йўли билан марказлашган асосда четга маҳсулот етказиб беришга хизмат қилишини таъминлайди.

Фодаланилган адабиётлар:

1.Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори (ПҚ-366-сон, 15.11.2023 й)

2. Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури. . 24 январь 2024 й.

3. Хидоятов, Р., Тўхтаев, З. (2022). Некоторые аспекты либерализации новой узбекской экономики. Innovative developments and research in education, 35.

4.ХИДОЯТОВ, Р. (2023). Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш жамият тараққиётида муҳим омил.

5. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.

6.Мелибоева, М., & Мелибоев, А. (2024). РАЗВИТИЕ УПРАВЛЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТЬЮ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ В РЕГИОНАХ. Журнал универсальных научных исследований, 2(4), 418-425.

7.Meliboyeva, M., & Abdulla, M. (2024, June). Factors affecting the activities in industrial enterprises in the conditions of innovative development and their effects on the regional economy.

In INTERNATIONAL CONFERENCE ON INTERDISCIPLINARY SCIENCE (Vol. 1, No. 6, pp. 26-32).

8. Meliboyeva, M. (2024). Modern Methods for Managing Industrial Enterprises. BEST JOURNAL OF INNOVATION IN SCIENCE, RESEARCH AND DEVELOPMENT, 3(4), 628-633.

9. Sh, U. G., & Khurmatov, B. (2024). Tijorat banklarining moliyaviy barqarorligining nazariy asoslari. *Экономика и социум*, (3-2 (118)), 401-404.

10. Umirova Gulmira. (2023). The need to attract foreign investments to the national economy on a large scale. *Academia Science Repository*, *4*(5), 314–319. Retrieved from https://academiascience.com/index.php/repo/article/view/696

11.Джаббарова Ю.А. «Основные тенденции на рынке книжной продукции в Республике Узбекистан.» журнал том 3 номер 5 ст 36-40.